

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

Муқаддас Ийд Ал-Фитр хайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номида Миср Президенти Мухаммад Хусний Муборак, Тунис Президенти Зайн Ал Абиддин Бин Али, Яман Президенти Али Абдуллох Солиҳдан самимий табриклар олинди.

«Куконон» акциядорлик жамияти Учқўприк туманида йилига 1200 тонна ачитки ишлаб чиқариш қувватига эга булган корхона қурилиши бошлади. 3,5 миллион АҚШ доллари сарфланган бу корхонада Австралиянинг «Андрич» фирмаси машина-ускуналари ўрнатилди.

Олий суднинг кеча бўлиб ўтган навбатдаги пленумида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ суд амалиётига оид масалалар муҳокама этилди.

Кеча Тошкентда Марказий Осиё давлатларида чорвачиликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган халқаро семинар-кенгаш иш бошлади. Қишлоқ хўжалик фанлар академияси ҳамда Суриянинг даст минтақаларда қишлоқ хўжалигини тadbик қилувчи «Икарда» халқаро маркази уюштирган бу семинар-кенгашда Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Россия етакчи олимлари ҳам иштирок этмокдалар.

**ХАМУСУТИМКА**

Кеча Россия билан Белоруссия президентлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якунида қўшма баёнот ҳамда икки давлатнинг бир-бирларига қарзларини бекор қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Борис Елцин март ойи охирида Россия билан Белоруссия, ахтирол Қозғистон ва Қирғизистон «хўр тарафлама янада яқинлашувини таъминлаш ва асосий йўналишларини» белгилайдиган шартномани имзолашлари ҳақида баёнот берди. Давлат раҳбарлари ўз ҳуқуқларига ана шу шартнома лойиҳасини бир ой мuddат ичида тайёрлаш юзасидан топшириқ бердилар.

Ингушистон маъмурилари ўтган ҳафта республика ҳудудига улар беҳабарлигида 58-армия қисмлари қиртилган пайтда етказилган зарарни қоплаш тўғрисида Россия мудофаа вазирлигига суд давосини тақдим этидилар. Федерал қуролли қўчалари ҳаракати натижасида бу ерда тинч аҳолидан ўч киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди, республика йўллари ва экинзорлари га катта зиён етказилди.

Тожиқ муҳолифатчилари мuddати 26 февраль кунини тугатган ўч очишни тўхтатиш тўғрисидаги ахлалашув амал қилишини ўзайтиришга тайёр эканлигини билдирдилар. Лекин улар бунда томонлар ҳарбий бўлиминлари ҳозир эғаллаб турган жойларида қолши керак, деб ҳисобламокдалар.

Россияда 80 жылдик «Миллат дохийлари. XX аср» тулпамини нашр этишга қиршилди. Уни 2001 йилгача нашр этишни тугаллаб, шундан сўнг бу тулпамларни БМТ Бош ассамблеясида ҳажаон мамлакатлари раҳбарлари тақдим этиш мулжалланяпти.

**ХОРИЖДА**

Бугун Страсбургда Россия Европа Иттифоқига расмий равишда қабул қилинади. Россия бу қитъа ҳамжамиятига аъзо булган 39-мамлакатдир.

Кеча Сербияда БМТ воситачилигида Сербия, Хорватия ва Босния ҳукуматларининг раҳбарлари ҳарбий соҳага тааллуқли булмаган масалалар бўйича Дейтон ахдонмаси қандай бажарилатганини муҳокама этидилар.

Исроил Бош вазири Шимон Перес Фаластиннинг Исроил билан тинчлик шартномаларига қатъиян қарши, кетма-кет террорчилик уюштиравтган «Хамас» жангчилари яқин вақт ичида бутунлай йўқ қилиниши тўғрисида баёнот берди.

Буюк Британия полицияси қиролича Елизавета II ва унинг оиласи аъзоларини Ирландия республика армияси террорчиликдан муҳофаза этиш бўйича шошилинч чоралар қўра бошлади. Бу армия террорчиликдан бирдан тоғилган ҳужжатларда қиролича оиласига суиқасд қилиш хусусида маълумотлар булганлиги сабабли шундай қарорга келинди.

АҚШ Кастро тўғрисидаги қарорларининг иккита хусусий самолетини уриб туширган Кубага иккитасидан янги жазо чораларини эълон қилди. Уларда нисбатан қамалини янада қучайтириш ҳамда Кубага дипломатлар ва сайёҳлар боришини чеклаш қўзда тутилди.

Душанба кунини Бағдодда Ироқ президентининг яқинда Иорданиядан қайтиб келганидан сўнг удрлирилган куви Камол Ҳасанининг икки синглиси ҳам удрлирилди.

Швеция полициясининг юқори мартабали раҳбарлари жамоатчиликини собиқ Бош вазири Улоф Пальменин қотилларини энди эхтимол ҳеч қачон топиб булмадлиги тўғрисида воқиф қилдилар. Мазлумки, Улоф Пальме бундан ўч йил муқаддам номаълум шахслар томонидан отиб удрлирилган эди.

## РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИДА


«Тошкент» республика фонд биржасида 21 ва 22 февраль кунлари ўтказилган савдода 13 та акционерлик жамияти савдога қўйилган қимматли қоғозларни сотиб олди.

Бу савдоларда шахримиздан «Тошкентўйжойинвестурилли» давлат корпорациясига қарашли «Сифат» хиссалдорлик жамияти қўйилган 340 та акцияни сотиб олди. «Тошбошқурилишташкелити»га қарашли «СЗСМик» акционерлик жамияти эса 611 та акцияни сотиб олди. Бу қимматли қоғозлар ҳар бирининг дастлабки баҳоси 100 сумдан эди. Савдолашиш жараёнида 100 сумлик акциялар 920 сумгача қутарилди.

Умуман савдонинг биринчи кунинда 6159 та қимматли қоғозлар сотилиб, улар қиймати 12 миллион 383 минг 820 сумни ташкил этиди. Иккинчи кунда эса 12620 дона акция сотилиб, сотув ҳажми 7 миллион 309 минг 920 сумга эди.

Ўтган икки ой давомида Тошкент шаҳри акциядорлари республика фонд биржасида булган савдоларга қўйилган 75 минг 104 дона акцияни сотиб олишди. Бу 37 миллион 275 минг 430 сум демакдир. Бу биржадаги умумий савдонинг 14 фоизини ташкил қилди.

Гулбаҳор МУМИНОВА.



Йўлдош Охунбоевга номидаги бош қиймлар хиссалдорлик жамиятида тайёрланаётган турли халдаги маҳсулотларнинг тури қийлиши билан бир қаторда сифати ҳам ахшиллаиб бормоқда. Сифатли маҳсулот тибк чикаришда тикув ҳеши ишчиларининг хиссаси катта бўлмақда.

СУРАТЛА: (чапдан) тикув ҳеши бошлиғи Мухтабар Нурмухамедова ва тикувчи Мухаббат Ҳамидова.

Рустам Шарипов олаган сурат.

## СОГЛОМ АВЛОД УЧУН ЖАМҒАРМАНИНГ ТУМАН БЎЛИМИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг юртбошимиз фармони билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг таъсис этилиши, ҳажаонда илк бор шу номдаги орденининг жорий қилиниши давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ахлоқий, маънавий, жисмонан баркамол авлодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун қўрсатилган катта ҳаммуричилигининг ёрқин ифодасидир. Ўтган йиллар ичида ушбу жамғарма бўйича давлатимизнинг тўртта қарори чиқди, шу йўналишда катта дастур тузилиб ҳаётга тadbик этилмоқда. 1994 йилда жамғарманнинг шаҳар бўлими ҳам ташкил этилиб, муҳим ишлари амалга оширмоқда.

Ҳозир эса шахримизда бирин-кетин «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлимини очилиб ўч фаолиятини бошламоқда. Чунони, Юнусобод туман хокимлигининг мажлислар залида шифокорлар,

тарбиячи, муаллимлар, маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг раислари иштирокида ушбу жамғарма туман бўлимининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда дастлаб «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Раҳбар Раҳмонова сўзга чиқиб, давлатга қарашли бўлмаган ушбу жамғарманнинг мақсад, вазифа ва ҳаракат йўналишлари тўғрисида тўхталди ўтди. Юнусобод тумани хокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Х. Отаметова, туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Б. Абдуллаевлар жойларда соғлом авлодни ўстириш бўйича қилинаётган ишлар хусусида сўзлашди. Сўнг жамғарманнинг Юнусобод туман бўлими раёсат ва ҳайъат аъзолари, фахрий раиси сайланди. 4-сил касалишлари қарши диспансер бош шифокори Умида Солиқова «Соғлом авлод учун» жамғармаси Юнусобод туман бўлимининг бошлиғи этиб сайланди.

Дилшод НУРМУХАМЕДОВ.

Бозор иқтисодиёти шароитларида узаро ҳамкорлик катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг 400 га яқин корхона ва ташкилотлари ҳажаонда 80 давлат фирма ва компаниялари билан экспорт-импорт операцияларини амалга оширмоқда. Ташки товар айирбошлаш операциялари бутун ҳажмининг 30 фоизга яқини Ҳамдуслик ва Болтиқбўйи давлатлари хиссасига тўғри келади. Саноати тараққий этган мамлакатлар ҳам шаҳар корхоналарининг етакчи шерикларига айланганлар. Экспорт-импорт операциялари бутун ҳажмининг ярмига яқини улар улушига тўғри келади.

Шу билан бирга ҳозирча шаҳар саноати экспорт таркибига оғир машинасозлик тармоклари маҳсулотлари қамлигини эътироф этиш лозим. Гап шундаки, ушбу тармок корхоналари учун ҳам шуб, бутловчи қисмларнинг анчагина микдори республика ташқарисидан жуда юқорак.

## ИҚТИСОДИЙ ШАРХ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ ХИСОБИГА

ри нархларда олиб келинади. Бу эса бизда тайёрланаётган маҳсулотлар таннархини қимматлаштириш юборади, демак ҳажаон бозорига рақобатлаша олмайдиган қилиб қўяди. Шу сабабли ҳозирги пайтда шаҳарда ушбу корхоналарни маҳаллий хом ашё хисобидан маҳсулот ишлаб чикаришга йўналтириш юзасидан катта иш олиб бориляпти. Узимизда бор хом ашё ва материаллардан янги маҳсулотлар ишлаб чикариш узғартирилмоқда. Шунингдек, маҳжуд асосий фондардан фойдаланилган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Бу ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирши билан бир қаторда валюта маблағларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш имконини бериляпти.

Ҳозир шаҳардаги қатор корхоналарда четдан келтириляётган қатор маҳсулотларни узимизда ишлаб чикариш йўлга қўйила бошлади. Саноат учун жуда зарур хисобланган пентаэритрит, ПВА эмульсияси, глицерин, полипропилен, полистрол, полиэтилен шулар жумласидандир. Хусусан, «Рангли лак», «Совпаститал» қўшма корхонаси ва бэзи бошқалар уларни ишлаб чикаришни узлаштирдилар.

«Узкимфарм» ишлаб чикариш бирлашмасида эса Германия ва Туркиянинг етакчи фирмалари иштирокида шаҳар учун жуда зарур булган дори-дармонлар: баралгин, лазекс, панангин ишлаб чикарила бошланди. «Узэлектроаппарат» илмий-ишлаб чикариш бирлашмасида чанготтичлар, кичик қувватли двигателлар, ошхона машина-усуналари, вентиляторлар ишлаб чикариш технологиясини жорий этиш чора-тадбирлари қуриляпти. «Полимеркурилишматериаллари» тажриба заводи Россия билан ҳамкорликда аввал республикага ташқаридан олиб келинадиган пенопленни ишлаб чикаришни йўлга қўйди. Шунингдек, бу ерда дераза ромларини пластмассадан тайёрлашга утилиши тўғрисида четдан егоч-тахта келтириш ҳажмини анча қисқартиришга муваффақ булинди. Айни пайтда бу корхонага энг замонавий технологияни жорий этиш имконини ҳам берди. «Уздэуэлектроникс» қўшма-корхонаси ҳам хорижий мамлакатлардан келтириляётган маҳсулотлар урнига узид ишлаб чикариляётган қорори сифати видеопаратура билан маҳаллий бозорни тўлдирмоқда.

Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишда шаҳардаги кичик корхоналар ҳам омилкорлик билан иш тутаётганликларини таъкидлаш ке-

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Тошкент тажриба-механика экскаватор таъмирлаш заводи қуво ҳеши корхонасининг энг йирик жамоаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўч касбининг усталари булган ишчилар меҳнат қилишади. Уларнинг кучи билан цехда бир кунда 3 тоннадан ортиқ пўлатга қайта ишлаб берилади. Бу ноёб маҳсулотдан экскаватор машиналари учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Жамоа барча қатори ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида турли қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Баъзан маҳсулотнинг танқислиги кундалик режага ўч таъсирини ўтказмоқда. Лекин экскаваторчилар излаган имкон топади, қабилада иш тўтиб белгиланган топшириқларни тўла адо этишга ҳаракат қилишляпти.

Яқинда фотомухбиримиз ушбу корхонада бўлиб унинг ҳайитини акс эттирувчи бир неча суратлар олиб қайтди. Чап томондаги суратда қуво ҳеши ишчиси Халдоржон Сатторов ва цех бошлиғи ёрдамчиси Қобил Солиқов, ўнгдан суратда эса пўлат эритиш печини қўриб турибис.

Рашид Галиев олаган суратлар.



Узбекистон-Ҳиндистон дўстлик ришталари

## МАДАНИЙ АПОКАЛИПС РАВНАҚИ

Ўтган кунини Ўзбекистон Республикаси халқаро маданият-маърифий алоқалар Миллий Ассоциациясида «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамиятининг ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини ассоциация раиси Мирзахмад Мирқосимов очди ва «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамиятининг фаолияти, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни қучайтиришдаги хизматлари ҳақида сўзлаб берди. Ҳисобот мажлисида шунингдек, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва муктор элчиси жаноб Мелкулангар Кумаран Бахадракумар ҳам қатнашиб, мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган маданият алоқалар ҳақида мамнуният билан гапирди.

Бизнинг дўстона алоқаларимиз кеча ёки бугун бошлангани йўқ, унинг тарихи узок ўтмиш асларга бориб тақалади, — деди жаноб элчи. — Мана шу дўстликни янада қучайтириш учун биз саёй-ҳаракатларимизни аяммайим.

Мажлис иштирокчилари дўстлик жамиятининг бу йилги иш режаларини муҳокама қилдилар. Шу ерда мажлисдан сўнг «Батервиль» ўзбек-хинд қўшма корхонаси ишлаб чикаратган маҳсулотларнинг қўрғамаси ҳам бўлиб ўтди.

Бехозод ЭГАМОВ.

Айни кунларда «Пахтакор» марказий стадионинда бўлсангиз, ўзини майдонига олиб бориляётган кенг қамровли таъмирлаш ишларининг гувоҳи бўласиз. Асосий мақсад қисқача қилиб айтганда — яшил майдонда суғориш-иситиш қурулларини ўрнатиш ва чим қопламасини янгилашдан иборатдир. Бу иш оддийгина қўрингани билан аслида унчалик осон эмас. Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Узсузавукуркурилиш» трестининг 8 та бўлиминини стадионда декабрь ойдан буйи узлуқсиз ишламоқда. Майдонни «КамАЗ», экскаватор ва занжирли тракторларнинг овозлари тўтган. Асосий пудратчи — Тошкент иқтисодлаштирилган механизацияли кўча колоннаси бўлиб, ташкилотнинг бош муҳандиси Саидмансур Саидхамедов бизга таъмирлаш ишларининг бориши ҳақида сўзлаб берди:

Ушбу таъмирлашдан сўнг ўйингоҳ майдонига жаҳон талаблари даражасида бемалол жаваб бера олади. Барча ишлар Германиянинг «Штрабаг» фирмаси билан ҳамкорликда немис муҳандислари иштирокида бажарилляпти. Зарур технология, қурув, пурақич ва иситкичларни ҳам ушбу фирма ет-

казиб беради. Дастлаб, майдон ярим метр қучурида қавлашиб, ундан чиққан 8 минг куб метр тўпуққ машиналар ёрдамида ташкил чикарилди. Сўнгра ер техника ёрдамида қотирилиб, 2500 куб метр шағал ёйилади. Ҳар 6 метрда, жами 12 та ёпик зовур (дренаж) ўрнатилди. Майдонда суғориш, қор ва ёмгирдан метрга ювилган қум ва ана 15 сантиметр қалинликда ювилган, майда қум солинади. Бу қумлар оралигидан иситувчи қуруллар ўтказилади. Энг сўнги қатлам сифатида эса, гўнг, майда қум ва минерал ўғитлар аралашмаси ёйилиб, майдон обдон «кафтдек» қилиб текисланади. Шундан кейингина, Германия-

барча ишлар стадионнинг майдонларида амалга оширилади, ялли таъмирлашни янги мавсумгача тугатиш режалаштирилган биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич учун жами 48 миллион сум маблағ ажратилган. Ҳозиргача 11 миллион сумлик ҳажмдаги иш бажарилди.

## «ПАХТАКОР» «МАРАКАНА»ГА ЯҚИНЛАШАДИ

Келажаққа юз тутган шаҳар

Заҳирадаги майдон ҳам таъмирланаётганими?

— Ҳа, кичик майдон ҳам қисман таъмирланади, яъни, фаятгина чим қопламаси янгиланади. Умуман, ҳозир қилинаётган

Иккинчи босқичда нима-лар қўзда тутилган?

— Таъмирлашнинг иккинчи босқичи 1997 йилда бошланиб, ниҳосига етказилгач, стадионнинг тузилиши, қўриниши бутунлай ўзгаради. «Яъни ният — ярим мол», дейдилар. Олиндиндан айтиб қўйя, Бразилияда қурилган, дундаги энг катта «Маракана» стадиони салобати ҳақида эшиттандирсиз? Ҳа, демай бизнинг «Пахтакор»нинг ҳам шунга яқинлашади. Ҳозир 55 минг томошабин ўрнига эга бўлса, кейинчалик янада кенгайтирилиб, 100 минг ўринли стадионга айлантирилади. Стадионнинг усти 80 фоизга ёпилади. «Пахтакор»да ўрнатилган табло бир пайтлар бутун Европа ва собиқ Иттифоқда бармоқ билан санарлик ана шундай йирик таблолардан бири ҳисобланади. Аммо бунга ҳам қирқ йилча бўлди, табло аллақачон «хизматини ўтаб», ҳеч бўлма-





